

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЖАНУБИЙ МИНТАҚАЛАРИДА ЕТИШТИРИШГА МОС, ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ТОЛА СИФАТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ҒЎЗАНИНГ СЕЛЕКЦИОН АШЁЛАРИНИ ЯРАТИШ

Очилдиев Нажмиддин Нарбаевич,

Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти “Бирламчи уруғчилик ва уруғшунослик” лабораторияси мудир,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори, к.и.х., Турон ФА Академиги
ORCID: 0009-0008-9615-7585

Чориева Юлдуз Панжиевна,

Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг Термиз нав синаш станцияси агрономи, кичик илмий ходим
ORCID: 0009-0004-0660-497X.

Худайназаров Абдурашид Очилдиевич,

Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг “Денов-Ҳазорбоғ” тажриба станцияси директори,
стажёр тадқиқотчи
ORCID: 0009-0003-2879-0702

Аннотация. Ушбу мақолада ЎзПТИ-1604 ғўза навининг дастлабки уруғчилиги бўйича 130 гектар пахта майдонида ўтказилган изланишлар натижасида навининг наводорлиги оширилди ҳамда ўртача ҳосилдорлиги 41,1 ц/га. ни таъкил этиб, андоза навга нисбатан гектаридан 5-8 центнер юқори ҳосил олишга ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ҳақида баён этилган.

Калим сўзлар: андоза навга нисбатан, янги навларини яратиш, ЎзПТИ-1604” нави, ғўза навлари, Наманган-77, Бухоро-102 ғўза навлари.

Аннотация. В данной статье приведены результаты исследований, проведенных на 130 га хлопкового поля по начальной урожайности семян хлопчатника сорта УзПТИ-1604, урожайность сорта повысилась и средняя урожайность составила 41,1 т/га. Установлено, что урожайность и экономическая эффективность были на 5-8 центнеров с гектара выше стандартного сорта.

Ключевые слова: по сравнению с модельным сортом, создание новых сортов, сорт «УзПТИ-1604», сорта хлопчатника, сорта хлопчатника Наманган-77, Бухара-102.

Abstract. In this article, as a result of research conducted on 130 hectares of cotton field on the initial yield of cotton seeds of the UzPITI-1604 variety, the yield of the variety increased and the average yield was 41.1 t / ha. It was found that the yield and economic efficiency were 5-8 centners per hectare higher than the standard variety.

Keywords: compared to the model variety, creation of new varieties, variety «UzPITI-1604», cotton varieties, cotton varieties Namangan-77, Bukhara-102.

Кириш. Жаҳонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг 20-25% и табиатдаги турли хил нохуш абиотик омиллар (гармсел, юқори ҳарорат, сув танқислиги в.х.к.з.) таъсирида нобуд бўлади. Шу жумладан гармсел ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар келтирадиган жиддий омиллардан бири ҳисобланади. «Гармселнинг салбий таъсири бўйича пахтадан ўртача 9,0-10,0 ц/га, буғдойдан 7,0-8,0 ц/га, шолидан 3,0-5,0 ц/га ҳосил йўқотилиши аниқланган. Айниқса, бугунги кунда Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Австралия ҳамда Жанубий ва Шимолий Американинг чўл ва саҳро минтақаларида гармселнинг салбий таъсири яққол кузатилмоқда». Шу сабабли тезпишар ва экологик пластик ғўза навларини яратиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Дунёда ғўзадан юқори ҳосил олиш бўйича АҚШ, Хитой, Ҳиндистон олимлари томонидан селекция услубларини такомиллаштириш, сифат белгиларини назорат қилувчи генларнинг аддитив самарасини, доминантлик даражаси ва йўналишини аниқлаш орқали замон талабларига жавоб берадиган янги навларини яратиш бўйича изланишлар олиб

борилмоқда. Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказларида ғўзада мақбул агротехник тадбирларни амалга ошириш гармселнинг зарарли таъсирини камайтириш, замонавий янги технологияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, ноқулай омилларга бардошли ғўзанинг янги навларини яратиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мақсадида Республикамизда бугунги кунда селекционерларимиз томонидан тезпишар, юқори маҳсулдор, ҳосилдор ҳамда тола сифати юқори бўлган янги ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, турлараро генетик жиҳатдан узоқ бўлган навларни мураккаб дурагайлаш услуби орқали тезпишар, ҳосил тўплаш ва кўсақларини очилиши суръати юқори, ҳосилдор, шунингдек юқори тола сифати ва чиқимиға эга ғўза навларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Ғўзанинг донорлик хусусиятларига эга янги навларини яратиш борасида хорижлик олимлардан П.Каммасҳер, С.Полссон; Ж.Ф.Вендел, (1999), Р.С.Сронн; И.Е.Ендрезии ет ал. ва бошқалар назарий ва амалий тадқиқотларни амалга

оширган. Жаҳонда олиб борилган селекция йўналишидаги илмий-тадқиқотларда тезпишар, юқори маҳсулдор, вилт касалликларига бардошли *G.hirsutum* L. турига мансуб янги ғўза навларини яратишга оид кўплаб ижобий илмий натижалар олинган, жумладан, ҚТЛ таҳлилдан фойдаланган ҳолда вилтга бардошли ғўза навлари (United State Agricultural Department), фузариоз ва вертициллез вилтга чидамли генетик янги тизма ва навлар (Chinese Academy of Agricultural Sciences, Cotton Research Institute), юқори тола сифати ва миқдорига эга, қурғоқчилик ва вилтга бардошли бўлган тезпишар ғўза навлари (Indian Central Institute for Cotton Research) яратилган.

Ўзанинг янги навларини яратишда, тур ичи ва турлараро дурагайлаш, олинган дурагайлар асосида янги навларни яратиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада Н.И.Вавилов номидаги Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия), Хитой қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Хитой), Пахтачиликни тадқиқ қилиш марказий институти ва Деҳли Ўсимликларнинг генетик ресурслари бўйича миллий бюроси (Ҳиндистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида кенг изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, республикамиз олимлари Л.Г.Арутюнова ва бошқ. (1995), Р.Г.Ким (2009), Ш.Э.Намазов, Г.Р.Холмуродова (2006), Ш.Э.Намазов, С.Ғ.Бобоев (2008) лар назарий ва амалий тадқиқотларни амалга оширган. Бу ўринда ўзанинг янги генотипли туричи дурагайларини олиш, дурагай ўсимлик авлодларида морфо-хўжалик белгиларни шаклланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот ишларида олинган кўрсаткичлар (тезпишарлик, ҳар бир ўсимликнинг маҳсулдорлиги ва кўсақлар сони, бир дона кўсақдаги пахта хомашёси ва 1000 дона чигит вазни, тола чиқими ва узунлиги) «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» номли методологик услубий қўлланма асосида (Б.А.Доспехов, 1985) математик ишловдан ўтказилган, шунингдек, тола сифати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Марказида Ҳигх Волуме Инструмент (ХВИ) ускунасида аниқланган, нав синови эса «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1975) усулида, бирламчи уруғларни тайёрлаш эса «Элита ва биринчи репродукция уруғларини ишлаб чиқариш бўйича йўриқнома» (1981) да келтирилган услублар асосида олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Республиканинг жанубий минтақаларида етиштиришга мос, ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлган ўзанинг селекцион ашёларини яратиш бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар асосида.

Ўрта толали ўзанинг «ЎзПТИ-1604» нави 2015-2017 йилларда Республика Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Марказининг турли тупроқ-иқлим шароитидаги ҳудудларида жойлашган нав синаш станция ва участкаларида ўрганилган.

Ўрта толали ўзанинг «ЎзПТИ-1604» нави «Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 2021 йил 28 декабрдаги 43-сонли қарорини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 17-январ 7-сонли буйруғи билан Давлат нав синови натижаларига ҳамда эксперт комиссияси хулосасига асосан 2022 йилдан бошлаб, Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитларида мос нав сифатида истиқболли деб топилган.

Ўрта толали ўзанинг «ЎзПТИ-1604» нави 2022 йилда Сурхондарё вилоятида жами 1567,0 гектар майдонга жорий қилиниб, ишлаб чиқариш синовидан муваффақиятли ўтган. Натижада Музработ ва Шўрчи туманлари фермер хўжаликларида ўртача 40,0 ц/га эртаки ҳосил олишга эришилган.

Генетик жиҳатдан узоқ бўлган *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб ғўза навлари ва тизмаларини дурагайлаш орқали олинган дурагайларнинг юқори авлодларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг шаклланиши ва барқарорлашув жараёни аниқланган.

Тезпишар, қурғоқчиликка бардошли, тола сифати IV-тип, тола чиқими 40-42% бўлган ўрта толали ўзанинг «ЎзПТИ-1604» нави Сурхондарё вилоятида 1567 гектар майдонда экилиб, ўртача 40,6 ц/га ҳосил олинган, районлашган навларга нисбатан ҳосилдорлиги 4,5-5,5 ц/га ва тола чиқими 3-4% юқорилиги ҳамда тола сифати IV-типга мансублиги аниқланган.

Турлараро чатиштириш, якка танлаш ва юқори авлод дурагайларини ўрганиш орқали морфологик, хўжалик ва наводорлик белгилари бўйича андоза Бухоро-102 ғўза навидан фарқланадиган тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори янги ЎзПТИ-1604 ғўза нави яратилиб, Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патент олинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, тадқиқотлар асосида яратилган ўзанинг янги ЎзПТИ-1604 нави ўзининг тезпишарлиги (115-116 кун), тола узунлиги (1,17-1,18 дюйм), тола чиқими (40,5-42,0%), микронейри кўрсаткичи 4,4-4,5 ҳамда нисбий узилиш кучи (29,5 г.к/текс.) кўрсаткичлари бўйича андоза Бухоро-102 навига нисбатан устунлиги тасдиқланди. ЎзПТИ-1604 ғўза навининг дастлабки уруғчилиги бўйича 130 гектар пахта майдонида ўтказилган изланишлар натижасида навининг наводорлиги оширилди ҳамда ўртача ҳосилдорлиги 41,1 ц/га. ни ташкил этиб, андоза навага нисбатан гектаридан 5-8 центнер юқори ҳосил олишга ва юқори иқтисодий самардорликка эришилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Очилдиев Н.Н., Ахмедов Ж.Х. «Янги ўрта толали ЎзПТИ-1604 ғўза навининг қимматли хўжалик кўрсаткичлари ва агротехникаси». //Ўзбекистон Аграр Фани Хабарномаси журнали. ISSN: 2181-7774. 4(82)2020 й. 16-18-бетлар.
2. Очилдиев Н.Н., Ахмедов Д., «Янги ўрта толали ЎзПТИ-1604 ғўза навининг ўсиши-ривожланиши ва ҳосил тўплашида турли кўчат қалинлигида чилпиш ўтказишнинг аҳамияти». // «Агро кимё химоя ва ўсимликлар карантини» журнали. ISSN: 2181-8150, №5 2020й. , 90-91-бетлар.
3. Очилдиев Н.Н., Ахмедов Д. «Ўзанинг янги ўрта толали ЎзПТИ -1604 навининг кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда барг сатхи ва қуруқ модда тўплаши».// «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. ISSN 2181-502X №11. 2020й. 27-28 бетлар.
4. Очилдиев Н.Н., Равшанов А.Э. «Сурхондарё вилоятининг экстремал шароитларига мос ўзанинг янги тизма ва навлари». «ПАХТАЧИЛИК ва ДОНЧИЛИК» илмий-амалий журнали. ISSN 2181-1903 № 4-сон (4) 2021. 22-26 бетлар.
5. Очилдиев Н.Н., Чориева.Х, Х.Жалолов, О.Бойназаров. «Янги ўрта толали ЎзПТИ-1604 ғўза навининг қимматли хўжалик кўрсаткичлари ва агротехникаси». // «Агро илм» журнали Махсус сон-3 (87) 2022 йил, ISSN 2091-5616.